

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

31-сон
(1051)
2022 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

282. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 августдаги ЎРҚ–786-сон Қонуни

283. «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 4 августдаги ЎРҚ–787-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

284. «Оилавий болалар уйлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 августдаги ПҚ–345-сон қарори

285. «Қўп квартирали уйлارни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 августдаги ПҚ–346-сон қарори

Учинчи бўлим

286. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон қарори
287. «Адвокатлик фаолиятини махсус электрон тизим орқали лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 августдаги 432-сон қарори

Бешинчи бўлим

288. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 8 июлдаги 14/8-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3377*)
289. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 8 июлдаги 14/7-сон «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 916-2*)
290. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 29 июлдаги 11-мх-сон ««Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-3*)
291. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 29 июлдаги 12-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****282** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
15 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 13 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 августда эълон қилинган.

432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **175-модда** **учинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Касса операцияларини юритиш тартибини ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан қарздор корхоналардан тўловларни ундириш юзасидан солиқ органларининг инкассо топшириқларини бажармаслик, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш»;

2) **176¹-модда** чиқариб ташлансин;

3) қуйидаги мазмундаги **215⁷-модда** билан тўлдирилсин:

«215⁷-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик (бундан ушбу Кодекснинг 175⁷ ва 229-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно), жумладан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштириладиган, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган маълумотлар рўйхатига киритилган маълумотларни эълон қилмаганлик ёки тўлиқ эълон қилмаганлик, эълон қилиш муддатларига ва тартибига риоя этмаганлик ёки маълумотларни бузиб кўрсатганлик —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисми** «215⁴» рақамидан кейин «215⁷» рақами билан тўлдирилсин;

5) **245¹-модданинг матнидаги** «176¹» рақами чиқариб ташлансин;

6) **245⁷-модданинг биринчи қисмидаги** «176¹-моддасида (қишлоқ ва сув ҳўжалигига оид қисми)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) қуйидаги мазмундаги **245¹⁰-модда** билан тўлдирилсин:

«245¹⁰-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

Ушбу Кодекснинг 215⁷-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади;

8) **271-модданинг 11-бандидаги** «176¹» рақами «176²» рақами билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 6-модданинг биринчи қисми:

қўйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ёки суд муҳокамаси жараёнида давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида ишонч билдирувчи шахс розилиги билан экспертиза ўтказилишини сўраш;

экспертиза хулосаси иш материалларига қўшиб қўйилишини ва суд томонидан ушбу хулоса ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилиш»;

ўн иккинчи хатбошиси ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 7¹-модданинг:

иккинчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Адвокат сўровига кўра экспертиза хулосасини олиш муддатлари давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари билан тузилган шартномаларда белгиланади»;

олтинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Адвокат сўровига ордернинг қўчирма нусхаси, суд экспертизаси адвокат сўровига кўра тайинланганда эса ўрганиш объектлари ва тўлақонли экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган иш материаллари ҳам илова қилинади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**»ги 670–сонли Қонуни (Ўзбекистон Ре-

спубликаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда; 2020 йил, № 3, 198-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **35-моддасининг матнидаги** «176¹» рақами чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида**»ги 721–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 641-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **4-моддасининг тўртинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ёки суд муҳокамаси жараёнида давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида ишонч билдирувчи шахс розилиги билан экспертиза ўтказилишини сўраш;

экспертиза хулосаси иш материалларига қўшиб қўйилишини ва суд томонидан ушбу хулоса ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилиш»;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилар** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **58-модданинг иккинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг эксперти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **95-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишонч билдирувчи шахснинг розилиги билан адвокат шартнома асосида экспертиза ўтказилишига доир адвокат сўровини давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига юбориши мумкин»;

3) **98-модданинг тўртинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасасида ёки» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилотига ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **99-модданинг иккинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасаси» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилоти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **101-модданинг бешинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасасига» деган сўзлардан кейин «ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **52-модданинг иккинчи қисми** «Давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг эксперти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **79-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишонч билдирувчи шахснинг розилиги билан адвокат шартнома асосида экспертиза ўтказилишига доир адвокат сўровини давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига юбориши мумкин»;

3) **82-модданинг иккинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасаси» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилоти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **84-модданинг бешинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасасига» деган сўзлардан кейин «ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **85-модданинг учинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасасида ёки» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилотига ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **55-модданинг иккинчи қисми** «Давлат суд-экспертиза муассасаси

эксперти» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг эксперти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **80-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишонч билдирувчи шахснинг розилиги билан адвокат шартнома асосида экспертиза ўтказилишига доир адвокат сўровини давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига юбориши мумкин»;

3) **83-модданинг иккинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасаси» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилоти» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **85-модданинг бешинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасасига» деган сўзлардан кейин «ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **86-модданинг учинчи қисми** «давлат суд-экспертиза муассасасида ёки» деган сўзлардан кейин «нодавлат суд-экспертиза ташкилотида ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган **«Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»**ги 661–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 359-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган **«Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 661а–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 360-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 2022–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 11-12, 285-модда) **XIV бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 70–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) **XI бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–542-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 267-модда) **3-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ўРҚ–586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **3-моддаси**.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

11-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 8-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 3 август,
ўРҚ–786-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

283 Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
24 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 8 июлда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади солиқ маслаҳатига оид фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисидаги қонунчилик

Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

солиқ маслаҳатчисининг малака сертификати — солиқ маслаҳатчисининг малакасини тасдиқловчи ва солиқ маслаҳатчилари ташкилоти номидан солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

солиқ маслаҳатига оид фаолият — солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатишга доир фаолияти;

солиқ маслаҳатига оид хулоса — солиқ маслаҳатига доир шартномада назарда тутилган хизматларни кўрсатган солиқ маслаҳатчисининг фикрини ўз ичига олган ҳужжат;

талабгор — солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш учун даъвогар бўлган жисмоний шахс.

4-модда. Солиқ маслаҳатига оид фаолиятнинг асосий принциплари

Солиқ маслаҳатига оид фаолиятнинг асосий принциплари қонунийлик, мустақиллик, касбий билимга эгаллик ва махфийликдан иборатдир.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 августда эълон қилинган.

5-модда. Қонунийлик принципи

Солиқ маслаҳатига оид фаолият Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

6-модда. Мустақиллик принципи

Солиқ маслаҳатига оид фаолият давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар таъсиридан мустақил бўлиши керак.

Солиқ маслаҳатчилари ўз фаолиятининг мустақиллигига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатишни рад этиши мумкин.

7-модда. Касбий билимга эгаллик принципи

Солиқ маслаҳатчилари касбий билимлар ва кўникмаларга эга бўлиши ҳамда уларни солиқ маслаҳатчилари ташкилоти таркибида солиқ маслаҳати бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш учун етарли бўлган даражада сақлаб туриши керак.

8-модда. Махфийлик принципи

Солиқ маслаҳатчилари солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни солиқ маслаҳати бўйича ўзига хизматлар кўрсатилган шахсларнинг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳамда ўзгаларга беришга ҳақли эмас.

9-модда. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш, солиқ ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш масалалари бўйича маслаҳат беришни;

солиқ ҳисоботини (декларациясини) тайёрлашни, шу жумладан солиқ ҳисоботини (декларациясини) мижоз (ишонч билдирувчи) номидан унинг шахсий кабинетини орқали тақдим этишни;

ортиқча ундирилган ёки ортиқча тўланган солиқлар ҳисобидан солиқ қарзини қайтариш ва (ёки) тўлаш, солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш учун солиқ органларига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган ҳолларда тайёрлашни;

солиқ ҳисобини юриштишни;

солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлашни;

солиққа оид ва молиявий таваккалчиликларни таҳлил қилишни ҳамда баҳолашни, мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ имтиёзларини қўллашга доир тавсиялар тақдим этишни;

судларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган иқтисодий, фуқаролик, жиноят ишларини ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқишда вакиллик қилишни;

мижоз (ишонч билдирувчи) томонидан ўз солиқ мажбуриятлари муайян давр учун, шу жумладан ихтиёрий равишда тугатилаётганда тўғри бажарилишини текширишни;

солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган бошқа хизматларни.

Қуйидагилар солиқ маслаҳати бўйича хизмат ҳисобланмайди:

солиқ органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органлари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш доирасида солиқ тўғрисидаги қонунчиликни тушунтириш;

солиқ солиш масалалари бўйича адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш, шу жумладан судда ва бошқа давлат органларида вакиллик қилиш.

2-боб. Солиқ маслаҳатига оид фаолият соҳасини тартибга солиш

10-модда. Солиқ маслаҳатига оид фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги солиқ маслаҳатига оид фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

ўз ваколатлари доирасида солиқ маслаҳатига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек миллий стандартларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатасига солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини (бундан буён матнда малака сертификати деб юритилади) олиш учун малака имтиҳонларини ўтказишни ҳамда талабгорларни ўқитишни ташкил этишда техник ва услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатади.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси

Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси (бундан буён матнда Солиқ маслаҳатчилари палатаси деб юритилади) ушбу Қонун билан ўз зиммасига солиқ маслаҳати соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича функциялар юклатиладиган, солиқ маслаҳатчиларининг, солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг ихтиёрий аъзолиги асосида ташкил этиладиган касбий бирлашмадир.

Солиқ маслаҳатчилари палатасининг фаолияти ушбу Қонун билан тартибга солинади ва унинг уставида белгиланади.

Солиқ маслаҳатчилари палатаси аъзолари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақиллигини сақлаб қолади.

Солиқ маслаҳатчилари палатаси ҳудудий ва ҳудудлараро ваколатхоналар ва (ёки) филиаллар ташкил этиши мумкин.

Солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар ва қоидаларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Солиқ маслаҳатчилари палатаси билан келишилади.

12-модда. Солиқ маслаҳатчилари палатасининг асосий вазифалари ва функциялари

Солиқ маслаҳатчилари палатасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқ маслаҳатчиларининг ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг манфаатларини ифодалаш;

солиқ маслаҳатчиларининг касбий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг касбий даражасини ривожлантириш;

малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш ва унинг амал қилишини тугатиш;

солиқ тўғрисидаги қонунчиликни ва солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда иштирок этиш.

Солиқ маслаҳатчилари палатаси қуйидаги функцияларни бажаради:

солиқ маслаҳатчиларининг реестрини юритади;

солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестрини юритади;

ушбу Қонун 23-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган, солиқ маслаҳатига оид ҳулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг рўйхатини юритади;

солиқ маслаҳатининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

солиқ тўғрисидаги қонунчиликни ва солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

амалга оширилаётган фаолияти билан боғлиқ йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, ўз аъзоларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди.

Солиқ маслаҳатчилари палатаси ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган реестрларни, шунингдек рўйхатни шакллантириш ҳамда юритиш тартибини белгилайди.

Солиқ маслаҳатчилари палатаси ўқув жараёнига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқади ва солиқ маслаҳатига ўқитишни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ушбу талабларга риоя этилиши мониторингини улар билан тузилган шартнома асосида амалга оширади.

Солиқ маслаҳатчилари палатаси қонунчиликка ва ўз уставига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

13-модда. Солиқ маслаҳатчиларининг ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестрларини юритиш

Солиқ маслаҳатчилари палатаси солиқ маслаҳатчиларининг реестрини электрон шаклда юритади, унга қўйидаги ахборот киритилади:
солиқ маслаҳатчисининг фамилияси, исми, отасининг исми;
жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
солиқ маслаҳатчисининг иш жойи;
малака сертификатининг рақами ва берилган санаси;
солиқ маслаҳатчисининг ҳар йилги малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

малака сертификатини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тугатиш, уни бекор қилиш ва малака сертификатининг дубликатини бериш тўғрисидаги маълумотлар.

Ваколатли давлат органининг ва Солиқ маслаҳатчилари палатасининг расмий веб-сайтларига солиқ маслаҳатчилари реестридаги очиқ маълумотлар танишиб чиқиш учун жойлаштирилади, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

солиқ маслаҳатчисининг фамилиясини, исмини, отасининг исмини;
малака сертификатининг рақамини ва берилган санасини;
малака сертификатининг амал қилишини тугатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни.

Солиқ маслаҳатчилари палатаси солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестрини электрон шаклда юритади, унда қўйидагилар кўрсатилади:

солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг телефон рақами;
солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг электрон манзили ва расмий веб-сайти (мавжуд бўлган тақдирда);

солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг идентификация рақами;
солиқ маслаҳатчилари ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва санаси;

солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбарига берилган малака сертификатининг рақами ва берилган санаси.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестридаги мавжуд ахборот танишиб чиқиш учун очиқдир.

14-модда. Эксперт кенгаши

Солиқ маслаҳатчилари палатаси ҳузурида Солиқ маслаҳатчиларининг эксперт кенгаши (бундан буён матнда Эксперт кенгаши деб юритилади) ташкил этилади.

Эксперт кенгашининг фаолияти Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан тартибга солинади.

Эксперт кенгаши таркибига солиқ маслаҳатчилари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, юриспруденция соҳасидаги мутахассислар киради.

Эксперт кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчилар ва назорат қилувчи органлар ўртасида мунтазам равишда юзага келаётган солиққа оид низолар бўйича хулосани кўриб чиқиш ҳамда бериш;

солиқ тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни эксперт баҳолаш;

солиқ тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Эксперт кенгашининг солиққа оид низолар бўйича хулосалари назорат қилувчи органлар томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

15-модда. Солиқ маслаҳатига оид фаолиятнинг кафолатлари

Учинчи шахсларнинг солиқ маслаҳатчилари фаолиятига аралашиши, улардан хизматлар кўрсатиш чоғида олинган бирон-бир маълумотни талаб қилиш, шунингдек бундай маълумотларни солиқ маслаҳатчиларининг ёрдамчиларидан ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида иштирок этаётган бошқа шахслардан талаб қилиш тақиқланади.

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатаётган шахслардан мазкур хизматлар кўрсатилиши муносабати билан тайёрланган ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчиси ва унинг ёрдамчиси ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчилари ва уларнинг ёрдамчилари суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан экспертлар ва мутахассислар сифатида жалб этилиши, шунингдек мазкур органлар томонидан ташаббус қилинган текширувларни амалга оширишга жалб этилиши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари иштирокида ташкил этилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хизматда бўлган шахслар солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин эмас.

Судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари солиқ маслаҳатчиларининг миждознинг (ишонч билдирувчининг) вакили сифатидаги ҳуқуқларини ва ҳаракатларини чеклашга ҳақли эмас.

3-боб. Солиқ маслаҳатчиси ва солиқ маслаҳатчилари ташкилоти

16-модда. Солиқ маслаҳатчиси

Малака сертификатиغا эга бўлган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчиси-дир.

Агар солиқ маслаҳатчиси солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг шта-тида турган бўлса ёки солиқ маслаҳатчилари ташкилоти у билан фуқаро-вий-ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома тузган тақдирда, у солиқ маслаҳатига оид фаолиятга жалб этилиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан белги-ланган тартибда ҳар йили ўз малакасини ошириши шарт.

17-модда. Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси

Малака сертификатиغا эга бўлмаган ва солиқ маслаҳатчисининг солиқ маслаҳатига оид фаолият билан боғлиқ топшириқларини бажарувчи жисмо-ний шахс солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчисидир.

Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботни, хулосани ва солиқ маслаҳатига оид фаолият билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни имзолашга ҳақли эмас.

Солиқ маслаҳатчиси ёрдамчисининг меҳнат шароитлари қонунчилик-да белгиланган тартибда солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси сифатида ишланган вақт малака сертификатини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

18-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи тижорат ташкилотидир.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти акциядорлик жамияти шаклида таш-кил этилиши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари солиқ маслаҳатчиси бў-лиши керак.

Қонунчиликда устав фондини (устав капиталини) шакллантиришга доир талаблар белгиланган ҳолларда, муассис бўлган солиқ маслаҳатчисининг (солиқ маслаҳатчиларининг) устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши камида эллик бир фоизни ташкил этиши керак.

Ушбу модда тўртинчи қисмининг талабларига номувофиқлик юзага кел-ган тақдирда, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти номувофиқлик юзага келган кундан эътиборан беш кунлик муддатда Солиқ маслаҳатчилари палатасини бу ҳақда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади ва юзага келган ному-вофиқликни кўрсатиб ўтилган санадан эътиборан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиши ёхуд солиқ маслаҳатига оид фаолиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Ушбу модда тўртинчи қисмининг талабларига номувофиқлик барта-

раф этилгунига қадар солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан солиқ маслаҳатига оид фаолиятни амалга ошириш тақиқланади.

Ушбу Қонун 23-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган солиқ маслаҳатига оид хулосани ўз фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошираётган ва штатида солиқ маслаҳати бўйича камида бир йил стажга эга солиқ маслаҳатчилари мавжуд бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилоти беради.

Ушбу модда еттинчи қисмининг талабларига номувофиқлик юзага келган тақдирда, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти номувофиқлик юзага келган кундан эътиборан беш кунлик муддатда Солиқ маслаҳатчилари палатасини бу ҳақда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан белгиланган тартибда Солиқ маслаҳатчилари палатасига аъзо бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ушбу Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган солиқ маслаҳати бўйича хизматлар билан бир қаторда қуйидаги хизматларни кўрсатиши мумкин:

- бухгалтерия ҳисобини ва молиявий ҳисобни юритиш;
- молия-хўжалик фаолиятини юритиш бўйича консалтинг;
- экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш бўйича консалтинг;
- мижозни унинг ўз фаолиятини амалга ошириши даврида давлат рўйхатидан ўтказишда, шунингдек унинг тугатилиши чоғида кузатиб бориш;
- инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, экспертизадан ўтказиш ва кузатиб бориш (мониторинг қилиш);
- харид жараёнларини кузатиб бориш (мониторинг қилиш);
- солиқ солиш масалалари бўйича семинарлар ва тренинглар ўтказиш.

19-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳуқуқлари

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мижоздан (ишонч билдирувчидан) солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни олиш;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида юзага келган масалалар бўйича мижоздан (ишонч билдирувчидан) оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган ахборотни, маълумотномаларни, ҳужжатларни ва бошқа материалларни муассасалардан ҳамда ташкилотлардан сўраб олиш;

солиқ солиш масалалари бўйича давлат органларига мурожаат қилиш (илтимоснома бериш, таклифлар киритиш, сўровлар, аризалар, шикоятлар бериш ва бошқалар) ҳамда улардан жавоблар олиш;

мижознинг (ишонч билдирувчининг) розилиги билан бошқа мутахассисларни солиқ маслаҳатида иштирок этишга шартнома асосида жалб этиш;

мижоз (ишонч билдирувчи) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, солиқ маслаҳати беришни рад этиш;

мижознинг (ишонч билдирувчининг), шу жумладан ихтиёрий равишда

тугатилаётган, товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича йиллик айланмаси охиригача уч йил ичида бир миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчининг (бундан «таваккалчиликни таҳлил қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими воситасида аниқланадиган таваккалчилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар мустасно) уни ихтиёрий равишда тугатиш чоғида солиқ даври учун солиқ мажбуриятларини бажариши бўйича хулоса бериш;

солиқ текширувини ўтказиш чоғида солиқ маслаҳатига оид хулосани миқдорнинг (ишонч билдирувчининг) номидан мустақил равишда, асос сифатида тақдим этиш;

миқдор (ишонч билдирувчи) билан тузилган шартномада белгиланган ҳолларда, ўтказиладиган солиқ текширувларида иштирок этиш;

солиқ органларида, шу жумладан солиққа оид низони судгача ҳал қилиш чоғида божхона органларида, прокуратура органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида миқдорнинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини ифодалаш;

судларда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган иқтисодий, фуқаролик, жиноят ишларини ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқиш чоғида, шу жумладан дастлабки тергов жараёнида миқдорнинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини ифодалаш;

солиқ солиш билан ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар, солиқ органларининг ҳужжатлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш чоғида судларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат қилувчи органларда ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларидан, аудио- ва видео ёзув қурилмаларидан фойдаланиш.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари солиқ маслаҳати бўйича биргаликда хизматлар кўрсатишга ҳақли.

Солиқ маслаҳати бўйича биргаликда хизматлар кўрсатиш чоғида солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг ҳар бири миқдор (ишонч билдирувчи) олдидан мустақил равишда жавобгар бўлади.

Солиқ маслаҳати бўйича биргаликда хизматлар кўрсатиш чоғида миқдор (ишонч билдирувчи) билан шартнома солиқ маслаҳатчиларининг ҳар бир ташкилоти билан алоҳида-алоҳида тузилиши мумкин.

20-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг мажбуриятлари

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти:

миқдорнинг (ишонч билдирувчининг) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома доирасида барча ҳаракатларни амалга ошириши;

миқдорнинг (ишонч билдирувчининг) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунчиликда назарда тутилган усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланиши;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилаётганда мижознинг (ишонч билдирувчининг) талабига кўра ташкилот раҳбарининг малака сертификатини кўрсатиши;

мижозга (ишонч билдирувчига) унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар аниқланган, шунингдек қонунчилик бузилган тақдирда, бу ҳақда мижозга (ишонч билдирувчига) маълум қилиши;

солиқ маслаҳатига оид фаолиятни амалга ошираётган солиқ маслаҳатчилари ҳақидаги ҳамда солиқ маслаҳатчиларининг ҳар йилги малака оширишдан ўтиши тўғрисидаги ахборотни Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан белгиланган тартибда тақдим этиши;

мижоз (ишонч билдирувчи) билан тузилган шартномада назарда тутилган ҳолларда, солиқ органларининг солиқ текширувларига оид далолатномаларини ва солиққа оид низоларни кўриб чиқиш баённомаларини мижоз (ишонч билдирувчи) номидан имзолаши;

фуқаролик жавобгарлигини суғурта полисига эга бўлиши;

солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилиш қоидаларини белгилаши ва уларга риоя этиши шарт. Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга доир талаблар солиқ маслаҳатининг миллий стандартлари билан белгиланади.

21-модда. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижоз (ишонч билдирувчи) билан унинг яшаш жойидан ва жойлашган еридан (почта манзилидан) қатъи назар, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишга ҳақли.

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

махфийлик;

солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта полиси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

22-модда. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи солиқ маслаҳатчиси шартномада назарда тутилган ҳолларда солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботни мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳатининг миллий стандартларида белгиланган тартибда тақдим этади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботдаги мавжуд ахборот махфийдир ва у ошкор қилиниши мумкин эмас, бундан шартномада назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботнинг ҳар бир саҳифаси солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатган солиқ маслаҳатчиси, солиқ маслаҳатчила-

ри ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланади ва мазкур ташкилотнинг муҳри (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот мижоз (ишонч билдирувчи) томонидан солиқ органига солиқ маъмуриятчилигини ва (ёки) солиқ назоратини амалга ошириш доирасида тақдим этилиши мумкин.

23-модда. Солиқ маслаҳатига оид хулоса

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатаётган солиқ маслаҳатчиси шартномада назарда тутилган ҳолларда солиқ маслаҳатига оид хулосани мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳатининг миллий стандартларида белгиланган тартибда тақдим этади.

Солиқ маслаҳатига оид хулоса солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатган солиқ маслаҳатчиси, солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланади ва мазкур ташкилотнинг муҳри (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

Солиқ маслаҳатига оид хулосадаги мавжуд ахборот махфийдир ва у ошкор қилиниши мумкин эмас, бундан шартномада назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Солиқ маслаҳатига оид хулоса мижоз (ишонч билдирувчи) томонидан солиқ органига солиқ маъмуриятчилигини ва (ёки) солиқ назоратини амалга ошириш доирасида тақдим этилиши мумкин.

Солиқ маслаҳатига оид хулоса солиққа оид низони судгача ҳал қилиш доирасида кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ ҳисобини юритиш бўйича хизматлар доирасида тақдим этилган солиқ маслаҳатига оид хулоса солиқ таваккалчилигини баҳолаш чоғида солиқ органлари томонидан қабул қилинади.

Йиллик айланмаси охириги уч йил ичида бир миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчи (бундан таваккалчилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчи мустасно) ихтиёрий тугатилганда, мазкур хулосани бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилоти берган солиқ маслаҳатига оид хулоса солиқ органлари томонидан тан олинади.

4-боб. Малака талаблари ва малака сертификати

24-модда. Малака талаблари

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги талабларга жавоб берадиган шахс малака сертификатини олиш учун талабгор бўлиши мумкин:

олий маълумотга эга бўлган шахс;

Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан белгиланган тартибда солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича курсни ўтаган шахс;

камида беш йил иш стажига, шу жумладан иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлган шахс.

«Солиқлар ва солиқ солиш» мутахассислиги бўйича олий таълим ташкилотини тамомлаган талабгорлар мутахассислик бўйича камида икки йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, малака имтиҳонини топширишга қўйилади.

Солиқ органларида камида уч йил иш стажига, шунингдек аудитор сертификатига эга бўлган талабгорлар солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича қисқартирилган курсни ўтайди.

Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича курс, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклидаги курс Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан тасдиқланган дастур асосида ташкил этилади.

Солиқ маслаҳатчилари Солиқ маслаҳатчилари палатаси ҳузуридаги таълим ташкилотларида Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан тасдиқланган дастур асосида малака оширади.

25-модда. Малака имтиҳони ўтказилишини ташкил этиш

Талабгор малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза билан Солиқ маслаҳатчилари палатасига мурожаат қилишга ҳақли.

Малака имтиҳонини топшириш учун ариза бериш, мазкур имтиҳонни ўтказиш тартиби Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан тасдиқланади.

Малака имтиҳони Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан ўтказилади. Солиқ маслаҳатчилари палатаси тест синовларини ўтказишга ихтисослаштирилган юридик шахсларни шартнома асосида жалб этиши мумкин.

Малака сертификатини олишга доир малака имтиҳонларида иштирок этиш учун талабгор томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорига тенг бўлган йиғим тўланади.

26-модда. Малака сертификати

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатишга бўлган ҳуқуқ ушбу Қонунда белгиланган тартибда жисмоний шахсга берилган малака сертификати билан тасдиқланади.

Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

27-модда. Малака сертификатини бериш ва қайта расмийлаштириш, унинг дубликатини бериш

Малака сертификати жисмоний шахсга малака имтиҳони муваффақиятли топширилганидан кейин Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан ўн кун ичида берилади.

Солиқ маслаҳатчиси ўз фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган тақдирда, тегишли ўзгартишларни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган санадан эътиборан бир ойлик муддатда Солиқ маслаҳатчилари палатасига малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Малака сертификатини қайта расмийлаштириш солиқ маслаҳатчиси томонидан малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган сертификатнинг асл нусхаси ва тегишли ўзгартишларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда ариза берилган кундан эътиборан беш иш куни ичида амалга оширилади. Қайта расмийлаштириш чоғида аввал берилган рақамли малака

сертификатининг янги бланкаси берилади. Аввал берилган сертификатнинг бланкаси йўқ қилинади.

Солиқ маслаҳатчисининг йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификати ўрнига малака сертификатининг дубликати бериш тўғрисидаги аризаси асосида унинг дубликати берилади. Малака сертификати йўқолганлиги тўғрисидаги ахборот Солиқ маслаҳатчилари палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Малака сертификатининг дубликати айнан ўша рақам билан, сертификатнинг янги бланкасига «Дубликат» деган ёзув албатта киритилган ҳолда берилади.

Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати Солиқ маслаҳатчилари палатасига қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим.

28-модда. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш

Малака сертификатининг амал қилиши Солиқ маслаҳатчилари палатасининг ёки суднинг қарори асосида тугатилади.

Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

солиқ маслаҳатчисининг аризаси;

солиқ маслаҳатчисининг ҳар йилги малака оширишдан Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан белгиланган тартибда ўтмаганлиги;

солиқ маслаҳатчисининг вафот этганлиги;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тартибдаги жазони назарда тутувчи суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги;

солиқ маслаҳатига оид фаолиятда уч йил давомида иштирок этмаганлик (бундан ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болани парваришlash бўйича таътил даври мустасно);

малака сертификати солиқ маслаҳатида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилганлиги фактининг аниқланганлиги;

солиқ маслаҳатчиси томонидан солиқ маслаҳати бериш давомида олинган маълумотлар миждонинг (ишонч билдирувчининг) ёзма рухсатсиз учинчи шахсларга тақдим этилганлиги;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатишда солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисидаги қонунчиликнинг бир йил ичида иккита бузилиши содир этилганлиги.

Ушбу модда иккинчи қисмининг еттинчи хатбошисида назарда тутилган асос адвокатлик тузилмаларининг, аудиторлик ташкилотларининг, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматлар кўрсатувчи бошқа юридик шахсларнинг штатида, шунингдек давлат органларида асосий иш жойи бўйича ишлайдиган солиқ маслаҳатчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан тугатилади.

Малака сертификатининг амал қилиши ушбу модда иккинчи қисмининг

иккинчи — еттинчи хатбошиларида кўрсатилган асослар бўйича Солиқ маслаҳатчилари палатасининг қарори билан, ушбу модда иккинчи қисмининг саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган асослар бўйича эса суднинг қарори билан тугатилади.

Малака сертификатининг амал қилиши ушбу модда иккинчи қисмининг саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган шахс малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида Солиқ маслаҳатчилари палатасига малака сертификатини олиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Солиқ маслаҳатчилари палатасининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

29-модда. Малака сертификатини бекор қилиш

Малака сертификати суд қарори асосида бекор қилинади.

Малака сертификати қуйидаги асосларга кўра бекор қилинади:

малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорнинг қонунга хилоф эканлиги аниқланганлиги;

малака сертификатининг сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги.

Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор берилган санадан эътиборан амал қилади.

Малака сертификати ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган шахс суднинг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирган санадан эътиборан уч йил ичида Солиқ маслаҳатчилари палатасига малака сертификатини олиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

30-модда. Низоларни ҳал этиш

Солиқ маслаҳати соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

31-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ва солиқ маслаҳатчиларининг жавобгарлиги

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида мижозга (ишонч билдирувчига) зарар етказганлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Мижозга (ишонч билдирувчига) етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланиши лозим.

Солиқ маслаҳатчиси ишни сифатсиз бажарганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги натижасида етказилган зарар ва солиқ маслаҳатчилари

ташкilotининг зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-харакатлар учун қонунчиликка мувофиқ солиқ маслаҳатчилари ташкilotи олдида жавобгар бўлади.

32-модда. Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–682-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда) **иловасининг 102-бандига** қўйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қўйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси билан — солиқ маслаҳатига оид фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масалаларига доир лойиҳалар»;

ўн учинчи ва **ўн тўртинчи хатбошилар** тегишинча **ўн тўртинчи** ва **ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрда қабул қилинган «**Солиқ маслаҳати тўғрисида**»ги ЎРҚ–55-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 497-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган «**Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **35-моддаси**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 4 январда қабул қилинган «**Солиқ маслаҳати тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–316-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 2-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар**

киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **33-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–429-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) **14-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **175-моддаси**.

33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

35-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 август,
ЎРҚ–787-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****284 Оилавий болалар уйлари фаолиятини такомиллаштириш-
га оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шаклларини амалиётга киритиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

оилавий болалар уйлари етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни (кейинги ўринларда — тарбияланувчилар) оилага тарбияга олишни истаган фуқаролар томонидан юридик шахс мақомисиз тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида ташкил этилади;

оилавий болалар уйидаги тарбияланувчилар сони камида 3 нафарни, лекин кўпи билан 5 нафарни ташкил қилиши лозим. Бунда, оилавий болалар уйини ташкил қилган фуқароларнинг ўз фарзандлари ҳамда тарбияланувчиларнинг умумий сони 8 нафардан ошмаслиги керак;

оилавий болалар уйлари тутиган ота-оналарни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатган фуқаролар томонидан ташкил қилишга рухсат этилади;

оилавий болалар уйлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Миллий гвардия ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари томонидан амалга оширилади;

оилавий болалар уйини ташкил этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган шахслардан тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаларидан олиш мумкин бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

2. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Миллий гвардия (Р. Джураев), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда амалда юридик шахс мақомидаги давлат тарбия муассасаси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган оилавий болалар уйлари юридик шахс мақомисиз қайта ташкил этиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-бандида оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларнинг энг кўп сонига ўрнатилган чеклов давлат тарбия муассасаси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган ва юридик шахс мақомисиз қайта ташкил этилаётган оилавий болалар уйлари татбиқ этилмайди.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 5 августда эълон қилинган.

Бунда, ушбу оилавий болалар уйларидаги тарбияланувчилар 18 ёшга тўлгунга ёхуд бошқа сабабларга кўра кетгунга қадар мазкур уйларда қолади.

3. Миллий гвардия (Р. Джураев) Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) билан биргаликда бир ой муддатда оилавий болалар уйлари ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар учун тутинган ота-оналарни тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва ушбу жараёнга малакали, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

Жамоат хавфсизлиги университети тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

Белгилансинки, оилавий болалар уйлари ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ташкил қилинган тутинган ота-оналарни тайёрлаш курсларида ўқиши ва тегишли сертификатни олиши мумкин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга ҳар ойда Давлат бюджетидан:

оилавий болалар уйидаги ҳар бир тарбияланувчининг яшаш харажатлари учун 7 ёшгача бўлган тарбияланувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида, 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган тарбияланувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари миқдорида;

оилавий болалар уйидаги ҳар бир тарбияланувчини парвариш қилиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1 баравари (ногиронлиги бўлган болалар учун 1,5 баравари) миқдорида;

оилавий болалар уйига тарбияга олинган ҳар бир ногиронлиги бўлган болани даволаш-соғломлаштириш учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида маблағ ажратилади;

б) оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларнинг яшаш харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳар ойнинг 5-санасига қадар тутинган ота-она номига очилган банк пластик картасига тўғридан-тўғри ўтказиб берилади;

в) оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларга худудда жойлашган давлат спорт мажмуалари, маънавий-маърифий масканлар, тўгараклар, от спорти секциялари, «Ишга марҳамат» мономарказлари ва бошқа ўқув марказларидаги тўгараклар ва курсларга бепул қатнашиш ҳуқуқи берилади;

г) оилавий болалар уйидаги тарбияланувчилар учун:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан йилига бир маротаба соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун бепул йўлланмалар ажратилади;

туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан бир йилда икки маротаба республикамизнинг тарихий шаҳарларига бепул саёҳатлар ҳамда театр томошалари ва концерт дастурлари ташкил этилади;

д) оилавий болалар уйидаги тарбияланувчилар давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан бир йилда икки маротаба бепул тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилади;

е) оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларга мазкур қарорга му-

вофиқ берилаётган соғломлаштириш оромгоҳига ва саёҳатга бориш, театр томошалари ва концертларда қатнашишга оид имтиёзлар оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларнинг ўз фарзандларига ҳам татбиқ этилади.

5. Туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари Миллий гвардия ходимлари ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари билан ҳамкорликда оилавий болалар уйлари ташкил этишда тутинган ота-оналарга зарур ташкилий ёрдам кўрсатсин ҳамда ҳар ойда камида бир марта болаларнинг турмуши ва уларни тарбиялаш учун яратилган шароитларини кузатиб борсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда оилавий болалар уйлари ташкил этиш ва уларни молиялаштириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ушбу уйларга бериш тартибини тасдиқласин.

7. Миллий гвардия (Р. Джураев):

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар бир ойда камида бир марта ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини олиб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джураев, халқ таълими вазири Б.О. Саидов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 август,
ПҚ-345-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**285** Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Сўнги йилларда кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кўп квартиралли уйлардаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш, уларга туташ ер участкаларини аниқ белгилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 15 та ҳудудида кўп квартиралли уй-жойлар жойлашган ерларни очик танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктириш бўйича лойиҳа амалга оширилди ва таҳлил натижаларига кўра мазкур лойиҳа доирасида 1 227 та кўп квартиралли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш шароитлари янада яхшиланди.

Қисқа вақт ичида бошқарувчи ташкилотларнинг кредит қарздорлиги 2 бараварга қисқарди, 500 нафарга яқин иш ўринлари яратилди, ишчилар иш ҳақи ҳамда бошқарувчи ташкилотлар даромади 2 бараварга ошди.

Шу билан бирга, республикада фаолият олиб бораётган 772 та уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 311 тасида муаммоли кредитор қарздорликлари мавжуд бўлиб, 2,5 мингдан зиёд кўп квартиралли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига тегишли хизматлар кўрсатилмай ёки сифатсиз кўрсатиб келинмоқда.

Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, бошқариш ташкилотлари томонидан аҳолига сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида:

1. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2022 йил 1 сентябрга қадар муаммоли кредитор қарздорликлари мавжуд ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкатининг бошқарув усулини ўзгартириш бўйича уй-жой мулкдорлари умумий йиғилиши қарори қабул қилинган тақдирда уларни молиявий соғломлаштириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифига розилик берилсин. Бунда:

республикадаги муаммоли банк кредитлари мавжуд барча уй-жой мулкдорлари ширкатлари тегишли хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг хулосаси олинган тақдирда тугатилиши мумкин;

тугатилган ёки бошқариш усули ўзгартирилган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг бошқарувида бўлган кўп квартиралли уйларни бошқариш учун, қоида тариқасида, рейтинги юқори бўлган бошқарувчи ташкилотлар жалб қилинади;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги жалб қилинган бошқа-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 августда эълон қилинган.

рувчи ташкилот фаолиятини, шу жумладан у томонидан кўрсатилган хизматлар сифатини олти ой мобайнида мониторинг қилади ва кўп квартиралли уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя қилмаган бошқарувчи ташкилотларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чораларни қўллайдди.

2. Бош прокуратура, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

муаммоли кредитор қарздорликлари мавжуд уй-жой мулкдорлари ширкатларини молиявий соғломлаштириш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти уй-жой мулкдорларига тўлиқ етказилишини ҳамда мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган тадбирларнинг ижроси юзасидан зарур ташкилий ишларнинг улар билан биргаликда амалга оширилишини;

муаммоли кредитор қарздорликлари мавжуд бўлмаган ва молиявий-иқтисодий ҳолати барқарор кўп квартиралли уйларнинг бошқариш органлари фаолиятига аралашувга йўл қўйилмаслигини таъминласин.

3. Белгилансинки, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари бошқарув фаолиятини, улар электрон реестрга киририлгандан сўнг амалга оширади.

4. Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:

а) қуйидаги ҳужжатларда кўп квартиралли уйлардаги тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган (нотурар) жойлар, умумий мол-мулк (умумий жойлар) рўйхати ҳамда ҳар бир кўп квартиралли уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси (режаси, жойлашган объектлар, шу жумладан лойиҳада назарда тутилган автотураргоҳлар, болалар ва спорт майдончалари, дам олиш масканлари, сайилгоҳлар, йўлаклар ва кўп квартиралли уйга хизмат кўрсатувчи бошқа объектлар) майдони ҳамда чегаралари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

кўп квартиралли уйларни қуриш (реконструкция қилиш) ишларининг лойиҳа ҳужжатлари;

фойдаланишга қабул қилинаётган кўп квартиралли уйга белгиланган тартибда расмийлаштириладиган кадастр паспорти;

қурилиш-монтаж ишлари (реконструкцияси) тугалланган кўп квартиралли уйлардан фойдаланиш учун рухсатнома;

б) мазкур ҳужжатларда ушбу маълумотлар кўрсатилмаган тақдирда ваколатли органлар томонидан тегишинча лойиҳа ҳужжатлари бўйича ҳулоса, кадастр паспорти (лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилмаган тақдирда), кўп квартиралли уйлардан фойдаланиш учун рухсатнома (лойиҳа ҳужжатларида ва кадастр паспортида кўрсатилмаган тақдирда) берилмайди;

в) қурилиш-монтаж ишлари (реконструкцияси) тугалланган кўп квартиралли уйлардан фойдаланиш учун рухсатнома берилганидан сўнг лойиҳа

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳужжатлари, кадастр паспорти ва мазкур рухсатномага умумий мол-мулкни ёки туташ ер участкасини камайтириш ва туташ ер участкасида қўшимча кўп квартирали уй ёки умумий мол-мулк бўлмаган объект қуриш учун ўзгартириш киритиш тақиқланади.

6. Белгилансинки:

кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси ҳамда кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ушбу жойлар мулкдорларининг номига давлат рўйхатидан ўтказилади. Бунда амалга оширилиши керак бўлган тўловлар (шу жумладан кадастр паспортини расмийлаштириш учун тўловлар) жойлар мулкдорлари ёки тегишли кўп квартирали уйларни бошқариш органи томонидан икки йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин;

кўп квартирали уйлардан фойдаланиш учун рухсатнома ушбу уй жойлашган ва унга туташ ер участкаларига, умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни жойларнинг мулкдорлари номига, кейинчалик реализация қилинадиган тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган (нотурар) жойларни эса буюртмачи номига давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади;

ушбу банднинг учинчи хатбошиси мазкур қарор кучга киргунга қадар белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинган кўп квартирали уйларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қурилиш вазирлиги ва Кадастр агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар ўз ҳудудларидаги кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ер участкаларини умумий фойдаланиш учун (нотижорат мақсадларда) кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш юзасидан қарорлар қабул қилсин.

8. Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда барча таълим ва тиббиёт муассасаларига коммунал ва туташ ер участкаларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, шунингдек, авария-диспетчерлик хизматларини кўрсатиш учун бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аутсорсинг шартномаси асосида бошқарувчи ташкилотларни жалб қилишни кўзда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда вазирлик ҳузуридаги «Ягона ҳисоб-китоб маркази» ва унинг шаҳар (туман), туманлараро филиалларини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари, Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳузурида ташкил этилган «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» давлат унитар корхоналари ҳамда уларнинг шаҳар ва туман филиалларини тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 август,
ПҚ–346-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 4 августдаги
ПҚ–346-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3-сон қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг формали кийим-бошларини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизмини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ–2800-сон қарорига 1-илованинг «Идоравий формали кийим» бўлими қуйидаги мазмундаги 8 ва 9-позициялар билан тўлдирилсин:

«

8.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
9.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2900-сон қарорига:

а) 4 ва 5-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 8-иловада:

2-банддан «ва «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» давлат унитар корхоналарини» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг тўртинчи хатбошисидан «ва «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» давлат унитар корхоналарини (кейинги ўринларда — «ТТХ» ДУК)» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 17-банднинг биринчи хатбошисидаги «ташкилотлари ва «ТТХ» ДУКларни» сўзлари «ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг иккинчи хатбошисидан ва 15-банднинг иккинчи хатбошисидан «ва «ТТХ» ДУКларни» сўзлари чиқариб ташлансин;

иловада (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш схемаси):

I босқич «Тадбирлар» устунидан «ва ТТХ» ДУКларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

II ва III босқичлар «Тадбирлар» устундаги «ташкилотлари ва «ТТХ» ДУКларни», «ташкилотлари ва ТТХ» ДУКларини» сўзлари «ташкилотларини» сўзи билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги «2017 — 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2922-сон қарорида:

6 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

7-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

қарорга 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги «Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–5152-сон қарорида:

а) 4-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) 2023 йил 1 январдан бошлаб мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш мазкур уй-жойларни таъмирлаш ишлари умумий смета қиймати доирасида амалга оширилади, бунда:

2023 йил учун Молия вазирлиги томонидан республика бюджетидан 156,4 миллиард сўм ажратилади;

2024 йил 1 январдан бошлаб маблағларнинг:

30 фоизи мулкдорлар ҳисобидан қопланади. Мазкур маблағлар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасида кўп квартирали уй-жойларни таъмирлашни молиялаштириш учун очиладиган махсус ҳисобварақда (кейинги ўринларда — Махсус ҳисобварақ) шакллантирилади;

35 фоизи республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади;

35 фоизи маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади»;

б) 7-бандда:

«а» ва «д» кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«г» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) қурилиши тугалланган ва фойдаланишга қабул қилинган кўп квартирали уй-жойни бошқариш биринчи икки йилда қурувчи томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур муддатга кўп квартирали уй-жой эксплуатациясининг кафолат муддати жорий қилинади. Бунда:

қурувчи томонидан бошқариш усули танланади ёки мазкур вазифани амалга ошириш учун шартномага асосан бошқарувчи ташкилот жалб қилиниши мумкин;

қурувчи кўп квартирали уйдаги жойни сотиб олиш истагида бўлган шахсларни танланган бошқарув усулидан хабардор қилиши ва уй-жойни олди-сотди шартномаси билан бир вақтда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузилишини ташкиллаштириши лозим;

кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорлари ўзгариши натижасида умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш учун умумий харажатларда иштирок этиш бўйича мажбуриятлар янги мулкдорга ўтади;

биринчи икки йил ичида кўп квартирали уй-жойдаги қурувчидан ташқари мулкдорларнинг сони эллик фоиздан ошган тақдирда мулкдорлар томонидан белгиланган тартибда умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ кўп квартирали уй-жойни бошқариш усули танланади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги «Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–257-сон қарори 3-бандининг «а» кичик банди «аҳоли пунктларини марказлашган ичимлик сув» сўзлардан кейин «ва оқова сув чиқариш хизмати» сўзлари билан тўлдирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

286 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларнинг самарадорлигини ошириш бўйича «йўл харитаси»нинг 24-бандида хизмат сафари харажатларини ҳисоблаш ва уларни молиялаштириш тартиби ва нормативларини қайта кўриб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ходимларни хизмат сафарига юбориш тартиби;

хизмат сафарига юбориладиган ходимга хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш;

хизмат сафарига юборилган ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

хизмат сафарига кетаётган ва хизмат сафаридан қайтаётган шахсларни рўйхатга олиш бўйича махсус электрон журналлар юритиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда хизмат сафари харажатлари ҳисобини юритиш бўйича дастурий таъминот ва унинг мобил иловасини ишлаб чиқсин ҳамда ишга туширсин.

Бунда:

мобил илова орқали хизмат сафарига бўлган ходимнинг транспорт, меҳмонхона, овқатланиш ва бошқа харажатлари харид чекининг фискал белгиси матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида онлайн тарзда ҳисобга олинди ҳамда хизмат сафари харажатларини автоматик равишда ҳисоблаш учун «ЎзАСБО» дастурий мажмуасига узатилади;

дастурий таъминотда ходимни хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади ҳамда ходимлар хизмат сафарига юборилганлиги тасдиқлангандан сўнг меҳмонхона харажатлари бўйича меҳмонхоналарга

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 августда эълон қилинган.

тўланадиган тўловлар пул ўтказиш йўли билан автоматик равишда ўтказиб берилади.

4. Хизмат сафари харажатлари ҳисобини юритиш бўйича дастурий таъминот фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда бюджет ташкилотлари ҳамда меҳмонхоналар ўртасида республика ҳудудида хизмат сафарига юборилган ходимларни турар жойдан фойдаланишга оид шартномаларни расмийлаштириш ва тўловларни амалга ошириш бўйича электрон модулни яратсин ҳамда дастурий таъминотга интеграция қилинишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Soliq.uz» дастури орқали матрицали штрих код (QR-код)ли харид чеклари ёрдамида хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни тасдиқловчи маълумотлар «ЎзАСБО» дастурий мажмуасига узатилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 август,
424-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 2 августдаги 424-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат
сафарлари тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ташкилотларнинг ходимларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарларига юбориш, хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш, хизмат сафарига кетаётган ва хизмат сафаридан қайтаётган шахсларни рўйхатга олиш бўйича махсус электрон журналларни юритиш ҳамда хизмат сафарига юборилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қоидалари бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари, бюджет тизими бюджетларидан маблағ ажратиладиган белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар, устав фондида

(устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслардан ташқари бошқа барча ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан тавсиявий хусусиятга эга.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ташкилот — бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари, бюджет тизими бюджетларидан маблағ ажратиладиган белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

хизмат сафари — ташкилот раҳбарининг буйруғига (қарори, фармойишига) асосан ходимнинг ўзининг доимий иш жойидан бошқа жойга хизмат топшириғини бажариш учун маълум бир муддатга юборилиши;

хизмат сафарида бўлган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар (кейинги ўринларда — кундалик харажатлар) — хизмат сафарида бўлган вақтда кунлик овқатланиш, хизмат сафари пайтидаги вазифаларни бажариш билан боғлиқ бошқа кундалик харажатлар, (транспорт воситалари ва турар жой билан боғлиқ харажатлар бундан мустасно).

3. Ташкилотнинг таркибига кирувчи ҳудудий бўлинмалар, филиаллар (шохобчалар), участкалар ва бошқа бўлинмалар бошқа ерда жойлашган ҳолларда доимий иш жойи бўлиб меҳнат шартномасида белгиланган иш жойи ишлаб чиқариш бўлинмаси ҳисобланади.

Доимий иши йўлда ёки кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган ёхуд доимий ҳаракатланувчи тусга эга бўлган ходимларнинг хизмат юзасидан бориб келишлари хизмат сафари ҳисобланмайди.

2-боб. Ходимни хизмат сафарига юбориш ва унинг хизмат сафарида бўлиши тартиби

4. Ташкилот ходимларини республика ҳудудларига хизмат сафарига юбориш ва уни расмийлаштириш, шунингдек, хизмат сафари якуни бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Хизмат сафарига юбориладиган ходим томонидан хизмат сафарига чиқишдан олдин ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда намунавий иш режаси расмийлаштирилади.

6. Ходимни хизмат сафарига юбориш учун ташкилот раҳбари ёки тегишли ваколат берилган шахс томонидан чиқариладиган ходимни хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги тегишли буйруқ (қарор, фармойиш) қабул қилинади ва ходимга мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда хизмат сафари гувоҳномасини бериш орқали расмийлаштирилади.

Ходим хизмат сафарига борилган ҳудуддаги тегишли ташкилот раҳбарига хизмат сафари мақсадлари ва вазифалари тўғрисида тушунтириш беради, шунингдек, хизмат сафари натижалари тўғрисида хабардор қилади.

7. Ходимларни юқори ташкилотларга (бўйсунмиш тартибида) хизмат сафарига юбориш ходимни хизмат сафарига юборилаётган ташкилот раҳбариятининг топшириғи ёки у билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Ходимнинг хизмат сафари муддати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади. Бунда хизмат сафари муддати йўлдаги вақтни ҳисобга олмаган ҳолда 30 календарь кундан кўп бўлмаслиги лозим, ушбу банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари бундан мустасно. Мазкур хатбоши ходимларни назорат тадбирларини ўтказиш учун хизмат сафарига юборишга ҳам тааллуқлидир.

Монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишларини бажариш учун юбориладиган ходимлар, раҳбарлар ва мутахассисларнинг хизмат сафари муддати 12 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг ҳужжатлари ва топшириқларига мувофиқ ходимларни хизмат сафарига юборишда бошқа муддатлар белгиланиши мумкин.

Хизмат сафари муддатини узайтириш, хизмат сафаридан ёки хизмат сафари пайтида чақириб олиш ёки хизмат сафарини муддатидан аввал якунлашга хизмат сафарига юборган ташкилот раҳбари ёки тегишли ваколат берилган шахснинг буйруғига (қарори, фармойиши) асосан рухсат берилади.

9. Хизмат сафарига юборилган жойда ҳақиқатда ўтказилган вақт хизмат сафари жойига келган ва хизмат сафари жойидан кетган кунларни хизмат сафари гувоҳномасига белги қўйиш орқали аниқланади.

Ташкилотда хизмат сафарига кетаётган ва хизмат сафаридан қайтаётган шахсларни рўйхатга олиш мазкур Низомга 4 ва 5-иловаларга* мувофиқ махсус журналларда «ЎзАСБО» дастурий мажмуасида (ёки бухгалтерия ҳисобини юритувчи ахборот тизимида) электрон шаклда юритилади.

Махсус журналларни юритиш ва хизмат сафари гувоҳномасига белги қўйиш ташкилотларнинг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари (ёки ушбу вазифа юклатилган масъул шахс) томонидан амалга оширилади.

10. Хизмат сафарига чиқиш куни бўлиб транспорт воситасида 24 соат ичидаги вақт, соат 00:00 ва ундан кечроқ вақт — кейинги сутка ҳисобланади, келиш куни эса — транспорт воситасида доимий иш жойига келиш куни ҳисобланади.

3-боб. Хизмат сафарига юборилган ходимнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари

11. Хизмат сафарида бўлган ходимга у юборилган ташкилотдаги иш вақти режими ва дам олиш вақтлари тааллуқли бўлади. Хизмат сафари вақтида фойдаланилмаган дам олиш кунлари хизмат сафаридан қайтганда тикланмайди.

Агар ходим хизмат сафари давомида дам олиш ёки байрам кунларида хизмат сафарига юборилган жойда ишлаган бўлса, ушбу кунларда ишлагани учун амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўланади.

Агар ходим ташкилот раҳбарининг тегишли ҳужжатида биноан хизмат мажбуриятини бажариш учун дам олиш кунини хизмат сафарига юборилса, унга хизмат сафаридан қайтгач белгиланган тартибда бошқа дам олиш куни берилади.

Хизмат сафарига кетиш ва хизмат сафаридан қайтиш кунларида ходимнинг ишга чиқиш масаласи ташкилот раҳбари билан келишилган ҳолда ҳал қилинади.

Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентлари белги-ланган ҳудудларга хизмат сафарига юборилган даврларда ходимларга қонунчиликда назарда тутилган устамалар хизмат сафарлари ҳақиқатда амалга оширилган кунлар учун тўланади. Бунда табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентлари белгиланган ҳудудларда доимий ишловчи ходимлар мазкур коэффициентлар белгиланмаган ҳудудларга хизмат сафарига юборилса, унга устама тўлаш тўхтатилади, хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар эса қонунчиликка мувофиқ тўланади.

12. Хизмат сафарига юборилган ходимни хизмат сафарида бўлган муддатида ва йўлда бўлган муддатда иш жойи (лавозими), меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизимдаги ходимлар учун ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ўриндошлик асосида ишлаётган шахс хизмат сафарига иш берувчиларнинг ўзаро келишуви асосида юборилади ва унинг ўртача иш ҳақи уни хизмат сафарига юборган ташкилотда сақланади. Хизмат сафарига бир вақтнинг ўзида ҳам асосий, ҳам ўриндошлик асосидаги иши бўйича хизмат сафарига юборилишига йўл қўйилмайди.

Ички ўриндошлик асосида ишлаётган шахс хизмат сафарига юборилганда эса ўртача иш ҳақи асосий ва ўриндошлик асосидаги лавозим бўйича сақланади.

Ходимнинг хизмат сафари даврида тариф ставкалари, лавозим маошлари миқдорлари ошган ҳолларда ташкилотнинг иш кунлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларида ҳақиқатда ишлаган кунларига тўғри келадиган сони учун меҳнатга ҳақ тўловлари қайта ҳисобланади.

Хизмат сафари давридаги иш вақтида, шу жумладан, хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтишда йўлда бўлган даврларда ходимнинг меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиши ёки вафот этганлиги муносабати билан компенсация тўловлари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Хизмат сафарларига оид компенсация тўловлари миқдори ва тўлаш тартиби

13. Хизмат сафарига юборилган ходимга турар жой билан боғлиқ харажатлар (меҳмонхона ёки турар жой ижараси), хизмат сафари жойига бориш, шу жумладан, хизмат сафари доирасида шаҳарлараро ва туманлараро ҳаракатланиш ҳамда доимий иш жойига қайтиш учун йўл харажатлари қопланади, шунингдек, кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.

14. Хизмат сафарига юборилган шахсга хизмат сафарига юборилган жойга бориш ва доимий иш жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги йўл харажатлари қопланади:

а) умумий фойдаланиладиган транспортнинг барча турларида юриш (таксидан ташқари) қиймати:

умумий фойдаланиладиган транспортнинг хизмат сафарига юборилган шахсга тегишли тасдиқловчи ҳужжатлари асосида.

Бунда:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раҳбарияти ва ходимлари, республика даражасидаги ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимларига барча тарифлар бўйича чипта қиймати тўлиқ бюджет маблағлари ҳисобидан;

бошқа тоифадаги ходимлар учун «бизнес» (ҳаво йўллари транспорти) ва «VIP» (темир йўл транспорти) тарифидан арзон бўлган барча турлари бўйича чипта қиймати тўлиқ бюджет маблағлари ҳисобидан ҳамда «бизнес» (ҳаво йўллари транспорти) ва «VIP» (темир йўл транспорти) тарифи бўйича чипта қийматининг 70 фоизи миқдорида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари (ёки устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларнинг маблағлари), қолган қисми ходимнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) транспортда йўловчиларни мажбурий давлат суғурталаш бўйича тўловлар;

в) тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, йўлда юриш ҳужжатларини олдиндан сотиш, самолёт ва поездларда жойларни бронлаш хизматлари бўйича тўловлар;

г) тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, ташкилот раҳбарининг рухсати билан ҳаво, темир йўл, сув ва умумий фойдаланишдаги автомобил транспортида багажни олиб ўтиш билан боғлиқ харажатлар;

д) умумий фойдаланишдаги транспорт билан (таксидан ташқари) станциягача, аэропортгача етиб олиш харажатлари, агар улар аҳоли яшайдиган худуддан ташқарида жойлашган бўлса. Бунда кечки вақтда ёки умумий фойдаланишдаги транспорт мавжуд бўлмаган тақдирда, ташкилот раҳбарига ходимлар учун енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти лицензия варақасига эга таксида юрганлик учун ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилади;

е) йўлда кўрпа-тўшак буюмларидан фойдаланганлик учун харажатлар (тасдиқловчи ҳужжатларсиз ҳақ тўлашга қабул қилинади);

ж) хизмат сафари бекор қилиниши муносабати билан харид қилинган (ёки брон қилинган) йўл чипталари қайтариб топширилиши муносабати билан олиб қолинган маблағлар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан қайтариб берилмайдиган бошқа харажатлар;

з) йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда:

бюджет ташкилотлари ходимлари учун хизмат сафари йўлкирасига ҳақ тўлаш ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида;

бошқа ташкилотлар ходимлари учун жамоа келишуви (шартномалари), меҳнат шартномасида кўзда тутилган, бироқ ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда.

Бунда транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги электрон хариталардан фойдаланган ҳолда масофаларни аниқлашга рухсат этилади.

15. Хизмат сафарининг ҳар 30 календарь кунидан сўнг дам олиш кунлари ходимнинг доимий яшаш жойига келиш ва хизмат сафарига юборилган жойига қайтиш билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари мазкур Низомнинг 14-банди «а» ва «з» кичик бандларида белгиланган миқдорларда қопланади.

Шунингдек, хизмат сафари давридаги дам олиш кунлари ходимнинг доимий яшаш жойига келиш ва хизмат сафарига қайтиб бориш учун йўл харажатлари миқдори унинг мазкур дам олиш кунлари учун тўланадиган ётоқхона ва кунлик харажатларидан кўп бўлмаган ҳолларда дам олиш кунлари ходимнинг ихтиёрига кўра доимий яшаш жойига келиш ва хизмат сафарига юборилган жойга қайтиш билан боғлиқ бўлган йўл харажатлари мазкур Низомнинг 14-бандининг «а» ва «з» кичик бандларида белгиланган миқдорларда қопланади.

Бунда ходимнинг доимий яшаш жойида бўлган вақт учун кунлик харажатлар тўланмайди.

16. Кундалик харажатлар учун ҳақ жамоа шартномалари, жамоа келишувлари ва меҳнат шартномаларида кўзда тутилган миқдорларда, лекин қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда белгиланади (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан коэффицентларда), жами 0,35 гача:

ходимнинг хизмат сафари даврида овқатланиш (алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно) харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (чеклар) тақдим этилганда — 0,25 гача;

бошқа харажатлари учун — 0,1.

Бунда умумий овқатланиш объектларида харидни амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (чекларни) хизмат сафари учун ишлаб чиқилган махсус мобил иловада харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаганда, ушбу ҳужжатларни (чекларни) тақдим этишга рухсат этилади.

Умумий овқатланиш объектларида харид амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (чеклар) хизмат сафари даврининг ҳар бир куни учун алоҳида-алоҳида расмийлаштирилади.

17. Ходимларнинг овқатланиш харажатлари учун компенсация тўловини амалга оширувчи бюджет ташкилотлари ушбу ходимнинг хизмат сафари даврида кунлик овқатланиш харажатлари ушбу давр учун овқатланиш харажатлари учун компенсация тўлови миқдорига камайтирилган ҳолда ҳисобланади.

18. Меҳмонхона харажатларининг бир кунлик қоплаш миқдори:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раҳбар ходимлари, республика даражасидаги бюджет ташкилотларининг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баробаридан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ходимлари,

республика даражасидаги бюджет ташкилотлари раҳбарларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгаши раисларининг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробаридан;

мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилмаган бошқа ходимлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробаридан ошмаслиги лозим.

Бюджет ташкилотлари хизмат сафарига юборилган ходимларнинг меҳмонхона харажатларини меҳмонхоналар билан қонунчиликда белгиланган тартибда, шу жумладан электрон платформа орқали шартнома тузиш орқали тўлаб бериши мумкин.

19. Турар жойда яшаганлиги бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳар бир сутка учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида қопланади.

20. Хизмат сафарига юборилган ходим ўзининг доимий иш жойига ҳар куни қайтиш имкониятига эга бўлса, у ҳолда кундалик харажатлар учун ҳақ тўланмайди. Ходимнинг хизмат сафарига юборилган жойдан ўзининг доимий равишда яшайдиган жойига ҳар куни қайтиши мумкинлиги масаласи хизмат сафарига юборган ташкилот раҳбари томонидан масофанинг узоқлиги, транспорт алоқаси шароити, бажариладиган топшириқнинг туси, ходим учун дам олиш шароитларини яратиш кабиларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади.

21. Хизмат сафари даврида хизмат сафарига юборилган ходим вақтинчалик меҳнатга лаёқатлилигини йўқотган ҳолларда унга умумий асосларда турар жой бўйича харажатлар қопланади (хизмат сафарига юборилган ходим стационар даволанишда бўлган ҳоллар бундан мустасно) ва унга соғлиғи ҳолатига кўра зиммасига юклатилган хизмат топширигини бажариш имкониятига эга бўлмаган барча давр мобайнида ёки ўзининг доимий яшаш жойига қайтгунига қадар, бироқ икки ойдан кўп бўлмаган муддатга кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.

Хизмат сафарига юборилган ходимнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиши, шунингдек, соғлиғи ҳолати бўйича ўзининг доимий яшаш жойига қайтиш имконияти йўқлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатлилигини йўқотган давр учун хизмат сафарига юборилган ходимга умумий асосларда вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари хизмат сафари муддатига қўшилмайди.

22. Хизмат сафарига юбориладиган ходимга хизмат сафарига кетишдан олдин мазкур Низомнинг 14, 15 ва 16-бандларида кўзда тутилган миқдорларда йўл харажатлари, кундалик харажатлар ва турар жой харажатлари доирасида пул кўринишидаги аванс тўланади.

Ходим хизмат сафаридан қайтган кундан эътиборан уч иш куни мобайнида аванс ҳисоботини тақдим қилиши шарт. Ушбу ҳисоботга белгиланган тартибда расмийлаштирилган хизмат сафари гувоҳномаси ва хизмат сафарига ҳақиқатда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

23. Монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишларини бажариш учун хизмат сафарига юборилган ходимлар, раҳбарлар ва мутахассисларга мазкур Низомнинг 16-бандида кўзда тутилган меъёрлар бўйича икки ой мобайнида кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.

Икки ойдан ортиқ муддатда монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишлари учун кундалик харажатлар учун ҳақ ўрнига иш ҳақи ёки лавозим маошига тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида, бироқ сутка учун мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган меъёрлардан юқори бўлмаган устама белгиланади.

Қўйидаги ходимлар монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишларини амалга ошириш учун хизмат сафарига юборилган ҳолларда уларга кундалик харажатлар учун ҳақ ўрнига тариф ставкасини ёки лавозим маошини мазкур бандда кўрсатилган миқдорларда устамалар тўланмайди:

монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишлари амалга ошириладиган жойда ишга олинган;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган шартлар асосида бошқа жойга ўтказиш тартибида юборилган;

меҳнат таътилида бўлган вақтда, шунингдек, сабабсиз ҳолда ишга чиқмаган кунларда;

улар томонидан монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишлари амалга ошириладиган жойдан ташқарида давлат ёки жамоат ишларини бажариш вақтида;

монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишларини бажарилиши назоратини амалга ошириш учун хизмат сафарига юборилган.

Кундалик харажатлар учун ҳақ ўрнига тариф ставкаси ёки лавозим маошидан фоиз миқдорида иш ҳақига устама тўлаш ходим монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишларида иштирок этган ҳар бир календарь кун учун амалга оширилади.

Тўлиқ бўлмаган ой учун кўрсатилган устамани ҳисоблашдан аввал устама тўлиқ ой учун белгиланади, сўнгра ушбу сумма мазкур ойдаги календарь кунлар сонига бўлинади ва ходим монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишларида бўлган кунлар сонига кўпайтирилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

24. Ташкилотлар мазкур Низомда белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда хизмат сафарлари учун сарфланадиган маблағлардан самарали фойдаланиш ва ортиқча харажатларнинг олдини олиш чораларини кўриб бориши лозим.

25. Ташкилотларнинг комплаенс-назорат бўлинмалари (ёки ушбу вазифа юклатилган масъул шахс) хизмат сафарига юборилган ходимларни манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий ҳолатларга йўл қўймасликлари устидан доимий назорат олиб боришга масъул ҳисобланади.

26. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**287** Адвокатлик фаолиятини махсус электрон тизим орқали
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида*

«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон Фармони ҳамда «Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 30 майдаги ПҚ–263-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги ПҚ–263-сон қарорининг 2-банди «а» кичик бандига мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш, талабгор томонидан малака имтиҳонини топширишининг амалдаги тартиби сақланган ҳолда, «Лицензия» ахборот тизими орқали амалга оширилиши ва расмийлаштириб борилиши;

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарорига мувофиқ лицензиялаш тартиб-таомилларини белгиловчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Адвокатлик фаолиятини махсус электрон тизим орқали лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

адвокатлик фаолиятини лицензиялаш учун талабгорнинг хоҳишига кўра «Лицензия» ахборот тизими ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш тартиби;

адвокатлик фаолиятини лицензиялашни фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш ихтисосликлари бўйича амалга ошириш;

талабгорнинг адвокатлик лицензиясини олиши учун талаблар ва шартларни белгилаш;

лицензияловчи орган (Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари) томонидан ўн иш куни ичида «Лицензия» АТ орқали талабгорнинг аризасини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш тартиби;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 августда эълон қилинган.

талабгор ёки лицензиат томонидан лицензияловчи орган ёки унинг мансабдор шахси қарорлари ёхуд ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳамда уни кўриб чиқиш муддатлари, тартиби ва шартлари;

адвокатга адвокатлик гувоҳномасини берган тегишли адлия органи томонидан адвокатнинг лицензия талаблари ва шартларига риоя этишини назорат қилиш тартиби;

Адвокатлик фаолияти учун берилган лицензияларнинг давлат реестрини «Лицензия» ахборот тизимида электрон шаклда юритиш тартиби.

3. Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ адвокатлик фаолиятини лицензиялашни «Лицензия» ахборот тизими ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 5 август,
432-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 5 августдаги 432-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Адвокатлик фаолиятини махсус электрон тизим орқали
лицензиялаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом адвокатлик фаолиятини «Лицензия» ахборот тизими орқали лицензиялаш, лицензия талаб ва шартларига риоя қилинишини назорат қилиш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

адвокатлик фаолияти учун лицензия (кейинги ўринларда — лицензия) — шахснинг адвокатлик фаолиятини амалга оширишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, чекланмаган муддатга бериладиган электрон ҳужжат;

адвокатлик фаолиятини лицензиялаш — лицензия олиш тўғриси-

даги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, лицензияни бериш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, шунингдек, лицензияни тугатиш, қайта расмийлаштириш ва ўзгартириш жараёни билан боғлиқ тартиб-таомиллар мажмуи;

талабгор — лицензияни олиш учун мурожаат қилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

лицензияловчи орган — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари;

лицензиат — адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

«Лицензия» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Лицензия» АТ) — лицензиялаш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган, идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлган махсус электрон тизим;

лицензия талаблари ва шартлари — адвокатлик фаолияти билан шуғулланишда адвокат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш паспортида (кейинги ўринларда — паспорт) белгиланган талаблар ва шартлар мажмуи;

лицензиялар реестри — берилган, амал қилиши тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, ўзгартирилган ва тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базаси.

3. Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомнинг 2-иловасида* назарда тутилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш:
фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш;
маъмурий ва жинойий суд ишларини юритиш ихтисосликлари бўйича амалга оширилади.

Ихтисослик фақат фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишларини юритишда адвокатлар томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатишда талаб қилинади.

Адвокат танланган ихтисослик йўналишларидан қатъи назар, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонунчилик ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш, ҳуқуқий тусдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш, давлат органларида (суд органларидан ташқари), жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир адвокат тегишли ихтисосликни мустақил танлаш ва у бўйича белгиланган тартибда малака имтиҳони топшириш ҳуқуқига эга.

5. Талабгор лицензия олиш учун қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

олий юридик маълумотга эга бўлиши;
юридик мутахассислик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлиши;
адвокатлик тузилмасида камида уч ой стажировка ўтаган бўлиши (давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмаларининг юридик хизмати ходими сифатида, судья, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор лавозида камида уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахслар бундан мустасно);

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган бўлиши.

6. Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари паспортнинг 9-банди билан белгиланади.

7. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолатларда адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайди.

8. Талабгор лицензия олиш учун аризани «Лицензия» АТ ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали электрон шаклда юборади.

Аризалар ҳар куни, дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари келиб тушганда, навбатдаги иш куни ариза лицензияловчи органга келиб тушган ва лицензияловчи орган томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

9. Ариза рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжат (белги) автоматик равишда «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали талабгорга юборилади.

Талабгор лицензия олиш учун тақдим қилган аризасининг кўриб чиқиш ҳолатини «Лицензия» АТ орқали онлайн кузатиб бориши мумкин.

10. Танланган ҳар бир ихтисослик бўйича малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун уч ой ичида тегишли лицензияловчи органга мурожаат қилиши керак. Бу муддатни ўтказиб юборган талабгор лицензия олиш учун қайта малака имтиҳонини топширганидан кейингина мурожаат қилиши мумкин.

11. Лицензия талабгорнинг доимий яшаш жойи бўйича лицензияловчи орган томонидан чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

2-боб. Лицензия олиш учун ариза бериш ва унн кўриб чиқиш тартиби

12. Талабгор ўз электрон рақамли имзосидан (кейинги ўринларда — ЭРИ) фойдаланган ҳолда лицензия олиш учун «Лицензия» АТ ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ҳамда ихтисослик турини танлаб, электрон шаклда ариза тўлдиради.

Аризада қуйидагилар акс эттирилади:

талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

телефон рақами, электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

доимий яшаш жойи;

талабгор амалга ошироқчи бўлган ихтисослик тури.

Талабгорнинг малака имтиҳонидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар тегишлича Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси ва Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари томонидан талабгорнинг малака имтиҳонидан ўтганидан сўнг дарҳол «Лицензия» АТга киритилади.

13. Талабгордан ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилмаган маълумотларни ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

14. Талабгор келгусида ўз фаолиятини адвокатлик бюросини ташкил қилган ҳолда амалга ошириш истагини билдирса, лицензия олиш учун тўлдирилмаган аризага қўшимча тарзда адвокатлик бюроси уставини илова қилган ҳолда уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги сўровномани ихтиёрий равишда тўлдириши мумкин.

Бунда, талабгор адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўловларни алоҳида амалга оширади.

15. Талабгор ариза бериш вақтида лицензия талаблари ва шартларига мослигини ва уларга риоя этишини тасдиқлаши лозим.

16. Талабгор аризага нотўғри маълумотлар киритилганлигини аниқлаган тақдирда, маълумотларни аризани кўриб чиқиш учун ундирилмаган йиғимни тўлашдан олдин ўзгартиришга ҳақли.

17. Аризани кўриб чиқиш учун паспортнинг 6-бандида белгиланган миқдорда йиғим ундирилади.

Йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварағига;

11,25 фоизи — ЯИДХГТ орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи — ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — лицензияловчи органнинг ҳисобварағига йўналтирилади.

18. Аризага киритилган маълумотлар «Лицензия» АТ орқали идоралараро ҳамкорлик тизимларида мавжуд маълумотлар асосида дастлабки тарзда автоматик равишда таққосланади ва текширилади.

Ариза қуйидаги ҳолларда автоматик тарзда қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон маълумотлар киритилганлиги «Лицензия» АТ орқали аниқланганда;

паспортнинг 6-бандида назарда тутилган йиғим тўланмаганда;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши тасдиқланмаганда;

лицензия реестрида талабгор танлаган ихтисослик (ихтисосликлар) бўйича киритилган ва амалда бўлган лицензияси мавжуд бўлган тақдирда;
талабгорнинг адвокатлик фаолияти муайян муддатга тўхтатилганда;
талабгорнинг тегишли фаолият билан шуғулланиши суднинг қарорига асосан муайян муддатга тақиқланганда.

Мазкур бандда кўрсатилганлардан ташқари бошқа асослар билан аризани қабул қилмасликка йўл қўйилмайди.

19. Йиғим тўланганидан сўнг ариза «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали автоматик тарзда талабгорнинг доимий яшаш жойидаги лицензияловчи органга юборилади.

20. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор паспортнинг 8-бандида белгиланган муддатларда қабул қилинади.

21. Лицензияловчи орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида хужжатларни текшириши, заруратга кўра бошқа давлат органларида мавжуд, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни «Лицензия» АТ орқали мустақил равишда олиши, шунингдек, талабгорнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини белгилайдиган қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

22. Лицензияловчи орган лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни «Лицензия» АТ орқали лицензияловчи орган раҳбарининг ЭРИСи билан тасдиқлаш орқали қабул қилади.

Қарор «Лицензия» АТ орқали реал вақт режимида автоматик тарзда талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.

23. Талабгорнинг адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича аризаси мавжуд бўлганда, лицензияловчи орган аризага илова қилинган хужжатларни лицензия бериш муддати ичида кўриб чиқади.

Аризага илова қилинган хужжатлар қонунчиликка мувофиқ бўлганда, адвокатлик бюросини рўйхатдан ўтказувчи органнинг ахборот тизими орқали ўз ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказиши ва бу ҳақида тегишли давлат хизматлари марказига реал вақт режимида автоматик тарзда барча тегишли маълумотларни юборади.

24. Агар лицензияловчи орган паспортнинг 8-бандида белгиланган аризани кўриб чиқиш муддати мобайнида талабгорга лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, талабгор бу ҳақида лицензияловчи органни «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда хабардор қилади.

Бунда, лицензия «Лицензия» АТ орқали автоматик равишда расмийлаштирилади ва талабгор ушбу Низомнинг 29-30 ва 32-бандларида назарда тутилган тартибда давлат бојини тўлаганидан сўнг адвокатлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Талабгорнинг лицензияни олишни кутишга розилигини билдириши, унинг кейинчалик лицензияловчи органни хабардор этиш орқали фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини чекламайди.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда, талабгор белгиланган давлат боји тўловини амалга оширгандан кейин «Лицен-

зия» АТда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган лицензия шакллантирилади ва талабгорнинг «Лицензия» АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади. Бунда, талабгор адвокатлик фаолияти билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ва тегишли лицензияловчи орган юзага келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

25. Талабгорда «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки 3¹-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса ёхуд бешинчи қисмида назарда тутилган муддатда лицензия олиш учун муурожаат қилмаса лицензия бериш рад этилади.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

26. Талабгорнинг адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича сўровномаси мавжуд бўлганда лицензия бериш рад этилган ҳолларда адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳам рад этилади.

Бунда, талабгор лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатларда бартараф этган ҳолда адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тўлов тўлмасадан қайта муурожаат қилиши ёки амалга оширилган тўлов асосида келгусида Давлат хизматлари марказида адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиши мумкин.

Талабгор томонидан лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолларда, адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича амалга оширилган тўлов унинг муурожаатига асосан тўлов тақсимланган манбалар ҳисобидан қайтарилади.

27. Лицензияни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор талабгорга рад этиш сабаблари, қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда, шу куннинг ўзида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

Лицензия бериш рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

28. Талабгор лицензия бериш рад этилганлиги, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг лицензиялаш тартиб-таомиллари билан боғлиқ ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

29. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензияловчи орган бу ҳақида шу куннинг ўзида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали талабгорга «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўлаш учун ҳисобварақ кўрсатилган хабарнома юборди.

Хабарнома юборилганлиги тўғрисида маълумот ҳамда талабгорнинг шахсий кабинетига юбориладиган бошқа маълумотлар талабгорнинг хоҳишига кўра мобил алоқа қурилмасига SMS-хабар шаклида ҳам юборилиши мумкин.

30. Талабгор хабарнома юборилган кундан бошлаб уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда давлат божи тўловини амалга оширади.

Лицензияни бериш учун давлат божи тўлови белгиланган муддатда амалга оширилмаслиги лицензияловчи орган томонидан лицензияни бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилиниши учун асос бўлади. Лицензия бериш тўғрисидаги қарор бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумот «Лицензия» АТ орқали автоматик тарзда талабгорга юборилади. Бунда, талабгор лицензияни олиш учун умумий тартибда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Давлат божи тўлови амалга оширилганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

31. Давлат божи қўйидаги тартибда тақсимланади:

68,25 фоизи — бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисобварағига;

11,25 фоизи — ЯИДХП орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек 0,5 фоизи ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳуқумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Давлат бюджетига йўналтирилади.

32. Давлат божи тўланганидан сўнг «Лицензия» АТда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган лицензия автоматик равишда шакллантирилади ва талабгорнинг «Лицензия» АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

33. Берилган лицензиялар ҳақидаги маълумот «Лицензия» АТда лицензиялар реестрига автоматик равишда киритилади.

3-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва ўзгартириш

34. Лицензиатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда у беш иш куни ичида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали лицензияни қайта расмийлаштириш учун асос бўладиган маълумотларни ва қайта расмийлаштириш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ариза юбориши билан мурожаат қилиш лозим.

35. Лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғимнинг ярми ундирилади ва ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун давлат божи ундирилмайди.

36. Лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияловчи органга тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида лицензия қайта расмийлаштириб берилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунига қадар лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида амалга оширади.

Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

37. Лицензиатнинг аризасига асосан адвокатлик фаолиятини бошқа ихтисослик тури билан кенгайтиришда лицензияловчи орган томонидан лицензия ўзгартирилиши мумкин.

Лицензияни ўзгартириш лицензияни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади, бунда аризани кўриб чиқиш учун йигимнинг ярми ундирилади ва ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширишда «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида тегишли лицензияни берганлик учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади ва ушбу Низомнинг 31-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

38. Лицензиат бир ихтисослик тури бўйича амалга ошираётган адвокатлик фаолиятини бошқа ихтисослик тури билан кенгайтириш ҳуқуқига эга, бунда адвокат лицензияни ўзгартириш ҳақида «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали ариза тақдим этиши лозим.

Бунда, лицензияловчи орган томонидан адвокатнинг аввалги лицензиясига кўшимча ихтисослик турига оид маълумотлар киритилган ҳолда ўзгартиришлар киритилади.

4-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳамда лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

39. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Лицензия» АТ орқали амалга оширилади.

40. Адлия органи адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади.

Адлия органи адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғаш ҳақида Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига тақдимнома киритади.

41. Адвокатга нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра, Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси ёки Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг қарорига асосан, конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган интизомий чоралар қўлланилиши мумкин.

42. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида, адвокат лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда, адлия органига аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берилади.

43. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор чиққанда, лицензияловчи орган ёки адвокатлик гувоҳномасини берган тегишли бу тўғрисида адвокат мақоми тўхтатиб турилган ёки тугатилган шахсни, шунингдек Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасини ва суриштирув, дастлабки тергов органлари ҳамда судни, шу жумладан «Лицензия» АТ ёки ЯИДХП орқали реал вақт режимида уч кун муддат ичида хабардор қилади.

5-боб. Лицензияловчи органнинг қарорлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби

44. Талабгор ёки лицензиат лицензияловчи органнинг қарорлари ёки мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

45. Талабгор ёки лицензиат шикоятни лицензияловчи органга нисбатан Адлия вазирлигига тақдим этади.

Талабгор ёки лицензиат белгиланган тартибда лицензияловчи органнинг қарори ва унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бевосита судга ҳам шикоят қилишга ҳақли.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шикоят бошқа ваколатли органларга ҳам берилиши мумкин.

46. Шикоят қарор тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан, талабгор ёки лицензиатга лицензияловчи орган қарори ва унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

Шикоят бериш муддати, агар у узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган бўлса, шикоятни кўриб чиқувчи орган томонидан тикланиши мумкин.

47. Шикоят ёзма, оғзаки (шахсий қабул ёки ишонч телефони орқали) ёки электрон шаклда («Лицензия» АТдаги шахсий кабинет, электрон почта ёки ваколатли органнинг расмий веб-сайти орқали) берилади ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни амалга оширган лицензияловчи органнинг номи;

шикоят берган жисмоний шахснинг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

шикоят берган шахснинг талаблари;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);

шикоят берилган сана.

Шикоят ёзма шаклда берилганда шикоят қилувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

48. Жисмоний шахс оғзаки шикоят (шахсий қабул орқали) қилаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятларда талабгор ёки лицензиатнинг электрон манзили ва ягона идентификатори (ЖШШИР) ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилиши лозим.

Шикоятда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги талабгор ёки лицензиатнинг шикоятини кўриб чиқиш натижаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда қабул қилишга бўлган розилигини англатади.

49. Адлия вазирлиги шикоят берилаётган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) тўғрисидаги тегишли ахборотни шикоят олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида ўрганиш учун сўраб олиши лозим.

50. Талабгор ёки лицензиатнинг талабига кўра шикоят унинг иштирокида кўриб чиқилиши мумкин.

Бунда, Адлия вазирлиги талабгор ёки лицензиатнинг хоҳишига кўра муҳокамани видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказишни таъминлаши шарт.

51. Шикоятни кўриб чиқиш якуни бўйича баённома тузилиб, у адлия вазири ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

52. Адлия вазирлиги шикоят бўйича ўн беш кун ичида қарор қабул қилиши шарт.

53. Шикоят берган талабгор ёки лицензиат шикоят бўйича қарор қабул қилингунига қадар уни чақириб олишга ҳақли. Шикоятни чақириб олиш ёзма ёки электрон шаклда («Лицензия» АТ орқали) расмийлаштирилади.

54. Адлия вазирлиги шикоят бўйича қўйдаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

қарорга ўзгартиришлар киритиш;

қарорни бекор қилиш ва зарур бўлган тақдирда, янги қарор қабул қилиш;

лицензияловчи орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига берилган шикоят моҳияти бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш.

55. Лицензияловчи органнинг қарори устидан шикоят қилинган тақдирда, шикоят Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан қарорнинг амал қилиши ва ижро этилиши тўхтатиб турилади, бундан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно.

6-боб. Лицензиялар реестрини юритиш тартиби

56. Лицензиялар реестри «Лицензия» АТда электрон шаклда юритилади ва ундаги маълумот барча учун очиқ ҳисобланади.

57. Лицензиялар реестри автоматик тарзда шакллантирилади, унинг доимий юритилиши ва унга тегишли ўзгартиришларни киритиш лицензияловчи органлар томонидан амалга оширилади.

Лицензияловчи органлар лицензиялар реестрини юритишда ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя қилиши лозим.

58. Лицензия олган қўйдаги маълумотларни лицензиялар реестрига ўз вақтида киритиб боришга жавоб беради:

лицензия қайта расмийлаштирилганлиги, ўзгартирилганлиги;

лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги;

лицензиянинг амал қилиши қайта тикланганлиги;

лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги;

лицензия бекор қилинганлиги.

59. Лицензиялар реестрида қўйдагилар кўрсатилган бўлиши керак:

лицензиатнинг реестр тартиб рақами, унинг фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), ихтисослиги;

лицензияловчи орган номи;
реестрга киритилган сана;
фаолият олиб бориш манзили (ҳисоб рўйхатига олинганидан кейин);
лицензиянинг ҳолати (амалда, тўхтатиб турилган, тугатилган, бекор қилинган);

лицензия ҳолати ҳар бир ўзгаришининг асослари ва санаси.

60. Лицензиатлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар базаси лицензияловчи органлар фойдаланиши учун шакллантирилади ва унда лицензиялашда киритиладиган маълумотлар сақланади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

61. Лицензиат лицензия талаб ва шартларининг бажарилганлиги юзасидан лицензияловчи органга сохта, ёлғон ёки нотўғри маълумотлар берганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

62. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 5 августдаги 432-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармони)» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 1-илованинг 95-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарори)» 2017 йил 25 октябрдаги 873-сон қарорига илованинг 3-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–446-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни)» 2018 йил 19 январдаги 34-сон қарорига 1-илованинг 26-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 августдаги 675-сон қарори 5-банди, шунингдек унга 3-илова.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 83-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 4 сентябрдаги 539-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 8-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарорига 4-илованинг 8-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматлари кўрсатишнинг инфратузилмаси такомиллаштирилганлиги ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2021 йил 28 октябрдаги 661-сон қарорига илованинг 4-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 9-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****288** **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3377*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киряди.

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
14/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
8 июлдаги 14/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви
томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 1 августда эълон қилинган.

талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 10/18/2989/0968-сон):

а) номи ва 1-бандидаги «микрокредит» деган сўзлар «микромолия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) Иловада:

номидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

муқаддима, 1, 2-бандлар, 3-банднинг биринчи хатбошиси, 9-банднинг иккинчи хатбошиси, 13-банднинг иккинчи хатбошиларидаги «микрокредит» деган сўзлар «микромолия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-боб номи, 11-банд, 13-банднинг биринчи хатбошисидаги «Микрокредит» деган сўзлар «Микромолия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/6-сон «Микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида (рўйхат рақами 3260, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3260/1079-сон):

а) номи ва 1-бандидаги «Микрокредит» деган сўзлар «Микромолия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) Низомда:

номидаги «Микрокредит» деган сўз «Микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

муқаддимадаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 6 сентябрдаги 20/5-сон қарори (рўйхат рақами 3322, 2021 йил 30 сентябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.09.2021 й., 10/21/3322/0923-сон) билан тасдиқланган Мижозларни рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг муқаддимасидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 18 ноябрдаги 20/4-сон қарори (рўйхат рақами 3336, 2021 йил 26 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.11.2021 й., 10/21/3336/1101-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси 3-бобида:

«13201 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«13205 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган муддати ўтган кредитлар» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«13209 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар» ҳисобварағи таърифи-

даги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«13299 Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси — Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар (контр-актив)» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«15401 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«15405 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«15499 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«20216 Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«21624 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга тўланиши лозим бўлган қисқа муддатли кредитлар» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

«22024 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли кредитлар» ҳисобварағи таърифидаги «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

289 Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 916-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда 466-сон билан тасдиқланган Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 916, 2000 йил 5 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 7-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Марказий банк раиси

М.НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 июль,
14/7-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 5 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
8 июлдаги 14/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Марказий банк томонидан тижорат банкларининг
ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва
қўшимча**

1. 1.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.1. Мазкур Низом тижорат банкларининг банк операциялари билан боғлиқ бўлган ички меъёрий ҳужжатларига Марказий банк томонидан қўйиладиган талабларни белгилаб беради.».

2. 3.1-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Юридик ҳулосада ички меъёрий ҳужжат лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Низомда белгиланган ички меъёрий ҳужжатларга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги акс эттирилиши лозим.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. IV боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

290 «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПФ–75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПҚ–136-сон «Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 5-мх-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2923, 2017 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 939-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 июль,
11-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 5 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил
29 июлдаги 11-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини
эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш
ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақидаги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасидаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 2-банддаги «Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 10-банднинг «д» кичик банди олтинчи хатбошисидаги «Туризм ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

291 Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПФ–75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқаруви-ни такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПҚ–136-сон «Спортни ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 26 октябрдаги 13-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2954, 2017 йил 7 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2017 й., 10/17/2954/0389-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 июль,
12-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 5 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил
29 июлдаги 12-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига
номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий
принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банднинг биринчи хатбошисидаги «Туризм ва спорт вазирлигига (бундан буён матнда Туризм ва спорт вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Спортни ривожлантириш вазирлигига (бундан буён матнда Спортни ривожлантириш вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 11, 12, 14 ва 16-бандлардаги «Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 13-банддаги «Туризм ва спорт вазирлигининг» ва «Туризм ва спорт вазирлигига» деган сўзлар тегишли равишда «Спортни ривожлантириш вазирлигининг» ва «Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 15-банднинг биринчи хатбошисидаги «Туризм ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Спортни ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 17-банддаги «Туризм ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар «Спортни ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 8 июлдаги 14/8-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3377.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 8 июлдаги 14/7-сон «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 916-2.

3. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 29 июлдаги 11-мҳ-сон ««Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-3.

4. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 29 июлдаги 12-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-3.